



1939 йили бошланган иккинчи жахон урушида Франция сафида туриб жанг килган жазойирлик ва сенегаллик ватандошлар ўзларига ваъда килинган озодликка эришиш учун жуда огир бадал тўлади. Хатто Жазойир бугун Африка китъасидаги мустамлака тарихининг энг конли намунаси хисобланади. Хўш, Франция кора китъада қандай хунрезликлар килди? Озодлик курашида нималар бўлди?

Франция бир неча юз йиллардан бери Усманий империяси қарамоғида бўлган Жазойирни 1830 йили ишғол қилди. Шимолий Африкадаги бошқа мустамлакачилардан фарқли равишда Жазойирни ўз тупрокларига қўшган Париж бу ўлкага бир миллионга яқин француз жўнатиб, у ерда доимий қилишини таъминлади.

1939 йили Германия тарафидан ишғол этилган Франциянинг қўплаб аскарга эҳтиёжи бор эди. Мустақилликни ваъда қилиб иккинчи жахон уруши ва бошқа харбий операцияларда Жазойир халқини ҳам ўзлари томонда жанг қилишга қўндирди. Лекин уруш тугагандан кейин Франция ваъдасини бажармади.

1954 йили 1 ноябрда Жазойирнинг мустақиллик учун ташкил қилган миллий озодлик фронти мустақиллик баёнотини эълон қилди ва мустамлакачиларга қарши чиқишга чақирди. Бундан ваҳимага тушган Франция эса Жазойирга қўп сонли аскарларини тўплади.

Миллий озодлик фронти чақиригига қўра, Франциянинг мустамлакачи аскарларига қарши тўрт минг жазойирлик намоёишга чиқди. “Йўқолсин мустамлака!” ва “Тенглик талаб қиламиз!” шiorлари билан Францияга норозилик билдирилди. Лекин Франция мустамлака бошқарувининг ушбу намоёишга жавоби шиддатли бўлди. Намойиш қонли шаклда бостирилди.

Француз аскарлари томонидан курулсиз намоишчиларга пулемёт ва замбараклардан ўт очилиб, кўплаб одам ўлдирилди.

Ўлкада харбий ҳолат эълон килинди. Баъзи кишлокларга ҳаво ҳужумлари уюштирилди. Минглаб одам ҳибсга олинди ва судсиз йўқ этилди.

Жазойирда бир неча йиллар давом этган гайриинсоний урушда тахминан бир ярим миллион жазойирлик ҳаётдан кўз юмди, миллионлаб киши ватанидан кўчиб кетди.

Франция Жазойирга қилганидек иккинчи жаҳон урушида ўз сафида жанг қилган сенегаллик аскарларни ҳам қатл этди.

Гарбий Африка фронтида жанг қилган сенегаллик аскарлар Франция ҳимояси учун урушга қирдилар. Франция эса исён баҳонаси билан сенегаллик аскарлар жойлашган лагерда қатлиом уюштирди.

Франция узок йиллар ўлдирилган аскарлар сонининг 35 нафар эканлигини таъкидлаб келди. 2014 йили ўша вақтдаги президент Франсуа Олланд 70 нафар аскар қатл этилганлигини айтди. Қатл этилган аскарларнинг яқинлари эса қамида 400 нафар аскар ўлдирилганини айтишмоқда. Сенегалликлар француз архивларининг очилишини талаб қилсалар ҳам Франция бу борада сукут сақламоқда.

[Манба](#)